



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШТИРОКИДА ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Алланазаров Ойбек Давранович

Юридик фанлар бўйича фалсафа

доктори, доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10082985>

Аннотация. Мақолада вояга етмаганлар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўришда амалга ошириладиган ҳаракатлар, тергов ҳаракатини ўтказиш давомида қўлланиладиган тактик усулларни танлаш, тергов вазиятига мос бўлган тактик усуллардан фойдаланиш, ушбу жараёнда вояга етмаган шахсга хос хусусиятларни эътиборга олиш масалалари бўйича олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Шулар асосида вояга етмаганлар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: жиноят, вояга етмаганлар, тергов, тактик усул, юзлаштириш, қарама-қаршилик, шахсга хос хусусиятлар, гумон қилинувчи, айбланувчи, тергов ҳаракати.

Аннотация. В статье проанализированы мнения ученых о действиях осуществляемые при подготовке следственного действия очная ставка при участии несовершеннолетних, выбор тактических приёмов при проведении следственного действия, использование тактических приёмов подходящие для следственной ситуации и вопросы принятия во внимание особенностей несовершеннолетнего лица на данном процессе. На их основе разработаны рекомендаций по проведению следственного действия очная ставка при участии несовершеннолетних.

Ключевые слова: преступление, несовершеннолетние, следствие, тактический приём, очная ставка, противоречия, особенности личности, подозреваемый, обвиняемый, следственное действие.

Annotation. The article analyzes the opinions of scientists about the actions carried out in the preparation of an investigative action, face-to-face confrontation with the participation of minors, the choice of tactical techniques when conducting an investigative action, the use of tactical techniques suitable for an investigative situation and the issues of taking into account the characteristics of a minor in this process. On their basis, recommendations were developed for conducting an investigative action, face-to-face confrontation with the participation of minors.



Key words: crime, minors, investigation, tactical reception, confrontation, contradictions, personality traits, suspect, accused, investigative action.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш давомида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг натижаси самарали бўлиши учун терговчи жиноят-процессуал қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилиши, мутахассислар имкониятидан самарали фойдалана олиши ҳамда тактик усулларни мақсадга мувофиқ тарзда қўллаши лозим.

Айниқса, вояга етмаган шахслар иштирокида юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларини ўтказишда уларнинг ёши, ақлий ривожланганлик даражаси, ҳаётий тажрибаси камлиги инобатга олиниши, шунингдек муайян тергов ҳаракатидаги иштироки унга “психологик жароҳат” етказиб қўйиши мумкинлигига эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаган шахслар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш бўйича алоҳида қоидалар назарда тутилмаган. Бироқ ушбу тергов ҳаракатини вояга етмаган шахслар иштирокида ўтказиш жараёнида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи умумий қоидаларга риоя қилиниши зарур (ҳимоячи, қонуний вакил иштироки, 16 ёшга тўлмаган гувоҳ ва жабрланувчиларни жавобгарликка тортиш бўйича огоҳлантирмаслик ва шу кабилар).

Юзлаштириш тактик жиҳатдан ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш, ишчи ва яқунловчи босқичларда амалга оширилади. Тайёргарлик кўриш босқичида кўрсатувлар ўртасидаги зиддиятлар хусусияти ўрганилиб, юзлаштириш ўтказиш зарурати бор-йўқлиги аниқланганидан сўнг юзлаштириш вақти, жойи, қатнашувчи шахслар доираси белгиланади. Юзлаштириладиган шахслар ва унда қатнашувчиларнинг ўзаро муносабатлари ўрганилади ҳамда юзлаштириш режаси тузилади¹.

Бизнинг фикримизча, вояга етмаганлар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин ушбу тергов ҳаракатини ўтказмасдан туриб, юзага келган қарма-қаршилиқнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, терговчи вояга етмаган шахсни бошқа шахсларнинг бошқача мазмундаги кўрсатувлари билан таништириш, далилларни тақдим қилиш, видеоёзувларни намойиш этиш

¹ Криминалистик тактика: Дарслик./ Т.Б. Маматкулов, Ш.Т. Джуманов, У.Т. Тургунов ва бошқ. – Т. 2013. — Б. 130-133.



ITALY



ITALY

каби тактик усулларни қўллаб сўроқ қилиши, шунингдек бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали юзага келган қарама-қаршилиқнинг сабабини аниқлашга ҳаракат қилиши зарур.

Юзлаштириш тергов ҳаракати вояга етмаган шахснинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолини инобатга олиб, қарама-қаршилиқни бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш билан бартараф этиш имкони бўлмаганда ҳамда бу тергов ҳаракати орқали кутилган натижага эришиш мумкинлигига етарли асос бўлгандагина ўтказилиши мақсадга мувофиқ².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидаги нормалар таҳлили шуни кўрсатадики, кўрсатувлар ўртасида жиддий қарама-қаршилиқлар юзага келган ҳолатларда ҳам юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш терговчи учун мажбурий эмас. Жумладан, вояга етмаган шахсни яқин қариндошлари, ўқитувчиси, мураббийи ва унинг ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бошқа шахслар билан юзлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, руҳий босим остида тўғри кўрсатув бераётган вояга етмаган шахс ўз кўрсатувларини ўзгартириши мумкин бўлган вазиятларда ҳам ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш тавсия этилмайди.

Вояга етмаганлар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш ўзига хос психологик жиҳатларга эга бўлганлиги боис уларнинг ёши ҳамда психологик ривожланишини инобатга олган ҳолда ўтказилиши, жумладан унинг ақлий ривожланганлик даражаси, иродавий хислатлари, содир этилган қилмишга ва унинг иштирокчилари (жабрланувчи, гувоҳлар)га муносабати ва шу каби бошқа ҳолатлар ўрганилган бўлиши зарур³. Шунингдек, терговчи вояга етмаган шахсда процессуал ҳаракатларни адолатли ва холисона ўтказилаётгани бўйича шубҳа пайдо бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, унинг фикрларини диққат билан тинглаши мақсадга мувофиқ⁴. Терговчининг ташқи кўриниши, ўзини тутиши, оддийлиги, хушмуомалалиги, киришимлилиги ва эътиборлилиги каби жиҳатлари вояга етмаган шахснинг юзлаштириш давомида кўрсатувлар бериши ва бошқа иштирокчилар билан мулоқотга киришишига таъсир қилади.

² Номусга тегиш жиноятини тергов қилиш амалиёти: Ўқув-методик қўлланма / Ш.Т.Икрамов, Д.М.Миразов, Б.Б.Муродов, Б.Ф.Алимов ва бошқ. – Т., 2012. – 55-56 б.

³ Дастлабки тергов фаолияти психологияси: Дарслик / Б.Н. Сирлиев, И. Соттиев ва бошқ. – Т., 2015. – Б. 333-334.

⁴ Караванов А.А., Устинов И.Ю. Психологические особенности проведения очной ставки // Территория науки. 2015. № 2. С. 31.



ITALY



ITALY

Булардан ташқари, кўрсатмаларида қарама-қаршилик юзага келган иштирокчиларнинг хонада жойлашиш тартибини белгилашда ҳам вояга етмаган шахс руҳиятини ҳисобга олиш зарур. Бу борада М.П.Перякина юзлаштириш тергов ҳаракати барча иштирокчиларининг бир жойда ҳозир бўлишини ушбу тергов ҳаракатининг ажралмас белгиси сифатида таърифлаб, улар бир-бирларини кўриши, эшитиши ва ҳаракатларини кузатиши учун тенг шароитлар яратиб берилиши лозимлигини таъкидлаган⁵.

В.Ю.Стельмах эса, тергов ҳаракатининг иштирокчилари бир-бирини бевосита кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда юзлаштириш ўтказиш имконини берувчи процессуал тартибни қонунчиликка киритиш лозимлигини таъкидлаган⁶.

Ушбу масалада В.Ю.Стельмахнинг фикрлари асосли бўлиб, юзлаштириш чоғида процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, вояга етмаган шахсга салбий психологик таъсир ўтказилишининг олдини олиш мақсадида ушбу тергов ҳаракатини иштирокчилар бир-бирини тўғридан-тўғри кўриб туришини истисно этадиган шароитда ўтказилиши тактик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91¹, 91²-моддаларида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилган ҳолатларда юзлаштириш тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш мумкинлиги назарда тутилган.

Бизнинг фикримизча, айрим ҳолларда ушбу бандга таянган ҳолда вояга етмаган шахслар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш мумкин. Бунда юзлаштириш жараёнида катта ёшли процесс иштирокчисининг вояга етмаган шахсга салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги унинг психологик жиҳатдан хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланиши тергов ҳаракатини ушбу шаклда ўтказиш учун асос бўлиши мумкин. Бироқ, бунинг учун терговчи ЖПКнинг 270-моддасида назарда тутилганидек процесс иштирокчиларининг хавфсизлигига таҳдид қилинаётганлиги бўйича етарли маълумотларга эга бўлиши лозим. Шунга кўра, мазкур асос бўйича вояга етмаган шахслар иштирокида юзлаштириш

⁵ М.П. Перякина К вопросу о самостоятельности очной ставки как следственного действия // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2017. № 2(2). С. 31.

⁶ Стельмах В.Ю. Процессуальные, тактические и психологические аспекты производства очной ставки // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2016. № 2(36). С. 108.



тергов ҳаракатини айрим ҳолатлардагина видеоконференцалоқа режимида ўтказиш мумкин.

Айни вақтда ЖПК 91²-моддасида назарда тутилган тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш асослари орасида вояга етмаган шахслар иштирокида ўтказиладиган тергов ҳаракатларида уларга нисбатан ўтказилиши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишга қаратилган алоҳида банднинг мавжуд эмаслигини қонунчиликдаги бўшлиқ сифатида баҳолаш мумкин.

Терговчи вояга етмаган шахслар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш шаклини аниқлаб олганидан сўнг ушбу жараёнда қўлланиладиган тактик усулларни тўғри танлаши ва улардан унумли фойдаланиши муҳим ҳисобланади. Чунки, тактик усуллардан фойдаланмаслик ёки уларнинг нотўғри қўлланилиши юзлаштириш самарасиз ўтказилишига олиб келиши мумкин.

Юзлаштириш мавзусида тадқиқот олиб борган кўпчилик мутахассислар тактик нуқтаи назардан асосий эътиборни кўрсатув бериш имконияти дастлаб қайси иштирокчига берилиши масаласига қаратишган. Жумладан, М.Ҳ. Рустамбоев ва А.Норбоевлар дастлаб терговчининг фикрига кўра ҳаққоний кўрсатув бераётган шахсга кўрсатув бериш имкониятини бериш лозимлигини таъкидлашган⁷. Т.Б.Маматқулов, Ш.Х.Хасанов⁸ ва К.А.Соловьевлар⁹ ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлашган.

Н.А.Рамазонова эса, юзлаштириш тергов ҳаракатида икки шахсдан бири вояга етмаган шахс ва иккинчиси вояга етган шахс бўладиган бўлса, тушунтириш бериш навбатини олдин вояга етмаган шахсга, агар иккаласи ҳам вояга етмаган шахс бўлиб, улардан бири судланган бўлса, судланмаган шахсга, башарти икки шахс ҳам судланмаган вояга етмаган шахслар бўладиган бўлса, унда тушунтириш бериш навбатини аввал энг кичик ёшдагисидан бошлаш, ёши тенг бўладиган бўлса, ижобий хулқ-атворга эга бўлган шахсдан бошлаш керак, деган фикрни билдирган¹⁰.

⁷ Криминалистика (схемалар): Ўқув қўлланма. М.Ҳ.Рустамбоев, А.Норбоев. Т. 2002. Б. 60

⁸ Маматқулов Т. Б., Хасанов Ш. Х. Криминалистика: Чизмалар альбоми. – Т., 2005. – Б. 88.

⁹ Соловьев К. А. Тактические приемы проведения очной ставки // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2014. – Спецвыпуск № 29. – С. 41–45. – URL: <http://e-koncept.ru/2014/14845.htm>. Кириш вақти: 10.10.2020 йил

¹⁰ Қаранг: Рамазонова Н.А. “Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти” Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. – Т. 2019. – Б. 22.



ITALY

SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

Л.Ю.Аксенова ушбу масалага чуқурроқ ёндошиб, вояга етмаган ва катта ёшдаги шахслар ўртасида ўтказиладиган юзлаштириш жараёнида кўрсатув бериш навбати дастлаб вояга етмаган шахсга берилиши зарурлигини, бироқ уларнинг ёши ўртасидаги фарқ катта бўлмаса ҳамда жиноят иштирокчилиқда содир этилган бўлса, терговчи кўрсатув бериш навбатини иш ҳолатлари ва кўрсатувларнинг ҳаққонийлигидан келиб чиқиб ҳал этиши кераклигини таъкидлаган¹¹.

Бизнинг фикримизча, вояга етмаган ва катта ёшдаги шахслар ўртасида юзлаштириш ўтказишда кўрсатув бериш навбатини белгилаш масаласида Л.Ю.Аксеновнинг фикрлари мақбулроқ. Чунки, иштирокчилиқда содир этилган жиноятларда вояга етмаган шахснинг ёш хусусиятлари эмас, балки гуруҳ аъзолари ўртасидаги мавқеи муҳимроқ ўрин тутди. Жумладан, гуруҳ аъзолари синфдошлар ёки маҳаллада бирга ўсиб-улғайган тенгдошлардан ташкил топган бўлса, уларнинг ёшидаги 2-3 йиллик тафовут ўзаро тенг муносабатга киришишига ҳалақит бермайди. Шунингдек, вояга етмаганлар ва катта ёшдаги иштирокчилардан ташкил топган айрим гуруҳларга вояга етмаган шахс етакчилиқ қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда юзлаштиришда кўрсатув бериш навбати вояга етмаган шахснинг гуруҳдаги ўрни ва мавқеига қараб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Юзлаштиришнинг ҳар иккала иштирокчиси вояга етмаган бўлса, кўрсатув бериш навбатини белгилашда Н.А.Рамазоновнинг фикрларига қўшилиш мақсадга мувофиқ. Чунки улардан бири судланган бўлса, судланмаган шахс, ҳар иккаласи судланмаган бўлса, кичик ёшдагиси, ёши тенг бўлса, ижобий хулқ-атворга эга бўлган шахсга биринчи бўлиб кўрсатув бериш имкониятини яратиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан ташқари, юзлаштириш жараёнида бошқа бир қатор тактик усуллар қўлланилиши мумкин. Ушбу масала бўйича олимлар томонидан бир қанча диққатга сазовор фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, А.Д.Белоусов, И.Е.Реуцкая ва Г.В.Костылевалар зиддиятли вазиятларда сўроқ қилиш жараёнида қўлланиладиган кўрсатувларни аниқлаштириш, далилларни тақдим қилиш, терговчининг фикрига кўра ҳаққоний кўрсатув берган бошқа иштирокчиларнинг кўрсатувлари билан таништириш, юзлаштириш мақсадини ниқоблаш, терговчининг иш ҳолатларидан тўлиқ хабардорлиги ҳақида тасаввур пайдо қилиш каби

¹¹ Аксенова Л.Ю. Тактические особенности производства очной ставки с участием несовершеннолетних // Вестник Сибирского института бизнеса и информационных технологий. 2018. № 2 (26). С. 73



тактик усуллардан юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин¹²лигини баён қилганлар.

Л.А.Табакова юзлаштириш давомида иштирокчиларнинг вербал ва новербал ҳаракатларини диққат билан кузатиб бориш, юзлаштиришни кутилмаганда ўтказиш, бошқа шахслар иштирокида юзлаштириш каби усуллар ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда ижобий натижа беришини таъкидлаган¹³.

Шунингдек, В.С.Максимов юзлаштириш жараёнида терговчининг фикрига кўра ёлғон кўрсатувлар бераётган иштирокчини кетма-кетликда бир нечта бошқа иштирокчилар билан юзлаштириш усулини¹⁴, М.В.Головин эса зиддиятли ҳолат бўйича иккала иштирокчи эркин баҳслашиши учун имконият бериш ҳамда навбатма-навбат уларни қўллаб-қувватлаш йўли билан ўрталаридаги “зиддиятни авж олдириш” усулини¹⁵ қўллаш мумкинлигини билдирган.

Н.М.Қўшаев ва Ш.Ф.Файзиёвлар жиноят процесси иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари ҳамда характерининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг тактикасини танлаш лозимлигини таъкидлашган¹⁶.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён этилган тактик усулларнинг айримларидан вояга етмаганлар иштирокида ўтказиладиган юзлаштириш жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Жумладан, юзлаштириш давомида ёлғон кўрсатув бераётган вояга етмаган шахснинг кўрсатувларни аниқлаштириш учун қўшимча саволлар бериш, унга далилларни тақдим қилиш, терговчининг иш ҳолатларидан тўлиқ хабардорлиги ҳақида

¹² Белоусов А.Д., Реуцкая И.Е., Костылева Г.В. Психология очной ставки // Психопедагогика в правоохранительных органах, 2006, №2(26). С. 34.

¹³ Табакова Л.А. Психологические аспекты очной ставки // Бюллетень инновационных технологий, 2018, Том 2 №1(5). С. 25.

¹⁴ Максимов В.С. Повышения эффективности очной ставки на досудебном производстве // Вестник Омского университета. Серия “Право”, 2011, №1(26). С. 188-191. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/povyshenie-effektivnosti-ochnoy-stavki-na-dosudebnoy-proizvodstve>. Кириш вақти: 10.10.2020 йил

¹⁵ Головин М.В. Тактика очной ставки // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета [Электронный ресурс]. – Краснодар: 2015. – №114. С. 9 – 10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/taktika-ochnoy-stavki>.

¹⁶ Қўшаев Н.М., Файзиёв Ш.Ф. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. Ўқув қўлланма /ю.ф.н. доц. З.Ф.Иноғомжонованинг таҳрири остида. –Т., 2007. Б. 42.



ITALY

SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

тасаввур пайдо қилиш, унинг кўрсатув бериш жараёнидаги вербал ва новербал ҳаракатларини диққат билан кузатиб бориш каби тактик усуллар юзлаштириш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Терговчининг фикрига кўра ҳақиқатга тўғри келадиган кўрсатув берган бошқа иштирокчиларнинг кўрсатувлари билан вояга етмаган шахсни таништириш, юзлаштириш мақсадини ниқоблаш, юзлаштиришни кутилмаганда ўтказиш, бошқа шахслар иштирокида юзлаштириш, терговчининг фикрига кўра ёлғон кўрсатувлар бераётган иштирокчини кетма-кетликда бир нечта бошқа иштирокчилар билан юзлаштириш каби усуллар вояга етмаган шахсни катта ёшдаги шахс билан юзлаштириш жараёнида қўлланилмагани маъқул. Чунки, бу ҳолат катта ёшдаги шахс таъсирида психологик босим остида бўлган вояга етмаган шахс ҳолатини янада мураккаблаштириши мумкин. Натижада у кўрсатув беришдан, юзлаштиришда иштирок этишдан бош тортиши ёки ушбу ҳаракатлар натижасида унга “психологик жароҳат” етказилиши мумкин. Шу сабабли ушбу усуллардан фақат юзлаштириладиган иккинчи иштирокчи билан ёши ва мавқеи нуқтаи назардан тенг бўлган вазиятларда ўтказиладиган юзлаштириш жараёнларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ҳақиқатга тўғри келадиган кўрсатувлар бераётган вояга етмаган шахс билан катта ёшдаги бошқа процесс иштирокчиларини юзлаштиришда ушбу тергов ҳаракатининг мақсадини ниқоблаш, уни кутилмаганда ўтказиш, бошқа шахслар иштирокида юзлаштириш каби тактик усулларни вояга етмаган шахсга ёрдам бериш мақсадида катта ёшдаги шахсга нисбатан қўлланилиши ижобий самара бериши мумкин.

Ҳақиқатга мос келадиган кўрсатувлар бераётган вояга етмаган шахс юзлаштириш жараёнидаги зиддиятли вазиятда ўзини йўқотиб қўймаслиги учун у билан юзлаштириладиган процесс иштирокчисининг сўроқ даврида берган кўрсатувлари билан таништириш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. С.Б.Россинский ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, юзлаштиришдан олдин иштирокчилар ўзининг ушбу тергов ҳаракатидаги “рақиби” томонидан сўроқ даврида берилган кўрсатувлари билан танишиб чиқиш ҳуқуқини процессуал қонунчиликда белгилаш бўйича фикр билдирган¹⁷.

¹⁷ Россинский С.Б. Очная ставка как предварительная процессуальная гарантия обеспечения права на справедливое судебное разбирательство // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России, 2019. №2(89). С. 152.



ITALY



ITALY

Юқоридагилардан ташқари, Я.М.Мазунин ва П.Я.Мазунинлар қайта юзлаштириш ўтказишни ушбу тергов ҳаракатини қўлланиладиган тактик усуллардан бири сифатида баён қилишган¹⁸. Фикримизча, вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилишда ушбу усулдан кўпроқ фойдаланиш зарурати юзага келиши мумкин. Зеро, айрим ҳолларда иштирокчилар юзлаштириш жараёнида салбий руҳий таъсир ўтказилиши натижасида илгари берган ҳақиқатга мос келувчи кўрсатувларини ўзгартиришга мажбур бўлиши мумкин¹⁹.


Айниқса, вояга етмаганларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари (диққати, хотираси ва ҳ.к.)нинг ўзига хослиги натижасида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказилгандан кейин иш учун аҳамиятли бўлган янги ҳолатларни эслаши ёки ташқи психологик таъсирлар (юзлаштирилаётган иккинчи иштирокчидан уялиши, қўрқиши ва шу кабилар) натижасида юзлаштириш жараёнида сўроқ даврида берган ҳақиқатга мос келувчи кўрсатувларини ўзгартириши мумкин.

Агарда вояга етмаган шахс кўшимча сўроқ қилиш даврида иш учун аҳамиятли бўлган янги ҳолатлар тўғрисида кўрсатув берса ёки юзлаштириш жараёнида руҳий босим остида нотўғри кўрсатувларини ўзгартиришга мажбур бўлганини баён қилса, юзлаштириш тергов ҳаракатини қайта ўтказиш мумкин. Бундай вазиятда терговчи психолог иштирокида вояга етмаган шахсни юзлаштириш тергов ҳаракатига тайёрлаши ҳамда тергов ҳаракати жараёни ва натижасини олдиндан башорат қилиши мақсадга мувофиқ. Агарда дастлабки юзлаштиришдаги натижанинг такрорланиш эҳтимоли юқори бўлса, ушбу тергов ҳаракатини қайта ўтказмаслик тавсия этилади.

Айрим муаллифлар жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун қонунда кўрсатилган асослар юзага келган бўлиши ҳамда унда қатнашадиган иштирокчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига эътибор қаратишган. Жумладан, А.Р.Белкин кўрсатув беришдан бош тортган ёки сўроқ давомида айрим саволларга жавоб бермаган процесс иштирокчиси

¹⁸ Мазунин Я.М., Мазунин П.Я. Особенности очной ставки при расследовании деятельности организованных преступных формирований // Научный вестник Омской академии МВД России, 2015, № 2 (57), С. 25.

¹⁹ Мадрахимов Б. С. Жамоат жойларида содир этиладиган талончилик жиноятини тергов қилиш: Ўқув қўлланма. – Т., 2014. – Б. 49.





ITALY



ITALY

билан юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш муаммоли масала эканлигини таъкидлаб, қонунчиликда бундай ҳолатлар ҳам юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишга асос бўлиши белгилаб қўйилиши зарурлигини баён этган²⁰.

Ушбу масала бўйича Р.С.Яновский кўрсатув беришдан бош тортиш ҳуқуқи гумон қилинувчи ва айбланувчи тегишли бўлганлиги боис улар иштирокида ўтказиладиган юзлаштириш фақат ушбу иштирокчиларнинг илтимосига кўра ўтказилиши бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш лозимлигини билдирган²¹.

Вояга етмаганлар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш масаласини ҳал қилишда қайд этилган фикрларнинг аҳамияти янада ортади. Чунки, вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилишда гумон қилинувчи ва айбланувчи билан бир қаторда 16 ёшга тўлмаган гувоҳ ва жабрланувчилар ҳам кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди. Шу сабабли улар кўрсатув беришдан бош тортган ҳолатларда юзлаштириш ўтказиш тўғри ёки нотўғри бўлиши масаласига ойдинлик киритилиши мақсадга мувофиқ.

Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларида илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар юзага келиши ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга асос бўлиши белгиланган бўлиб, гумон қилинувчи ёки айбланувчи кўрсатув беришдан бош тортган ҳолатларда юзлаштириш ўтказиш масаласи бўйича бирон-бир қоида назарда тутилмаган. Бизнинг фикримизча, кўрсатув беришдан бош тортганлик тактик жиҳатдан зиддиятли тергов вазиятини юзага келтириш мумкин, бироқ кўрсатувлар ўртасидаги “жиддий қарама-қаршилик”ни келтириб чиқармайди. Чунки, қарама-қаршилик мазмунан бир-бирига зид бўлган икки хил кўрсатувлар ўртасида келиб чиқиши мумкин. Иккинчи томон кўрсатувларининг мавжуд эмаслиги уларни солиштириш имконияти йўқлигидан далолат беради.

Вояга етмаган шахс кўрсатув беришдан бош тортган ҳолатларда ҳам юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш тактик жиҳатдан самарали бўлиши мумкин. Яъни ушбу тергов ҳаракатининг иккинчи иштирокчиси томонидан унинг қилмишларига алоқадор кўрсатувларнинг юзма-юз баён қилиниши кўрсатув беришни бошлашига сабаб бўлиши мумкин.

²⁰ Белкин А.Р. Процессуальные проблемы очной ставки // Юридическая наука и правоохранительная практика, 2015, № 3 (33), С. 99-100.

²¹ Яновский Р.С. К вопросу об эффективности производства очной ставки в уголовном судопроизводстве // Проблемы в российском законодательстве, 2011, № 6, С. 247-248.



ITALY

SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

Бироқ қуйидаги асосларга кўра бундай тактик усулнинг вояга етмаганларга нисбатан қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди:

Биринчидан, юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун қонунда кўрсатилган асосларнинг мавжуд эмаслиги ушбу тергов ҳаракати натижаларининг номақбул далил сифатида баҳоланишига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, бизнинг фикримизча, бундай юзлаштириш вояга етмаган шахсни кўрсатув беришга мажбур қилиш учун унга бошқа процесс иштирокчиси орқали руҳий босим ўтказиш шакли сифатида ҳам баҳоланиши мумкин.

Шуларни инобатга олиб, мазкур масалада Р.С.Яновскийнинг фикрларига қисман қўшилган ҳолда, кўрсатув беришдан бош тортган гумон қилинувчи, айбланувчи ҳамда вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчилар иштирокида ўтказиладиган юзлаштириш фақат ушбу иштирокчиларнинг розилиги билан амалга оширилиши бўйича қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар иштирокида ўтказиладиган юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш асослари, тартиби ва унда қўлланиладиган тактик усуллар борасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- 1) юзлаштириш жараёнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи жиноят-процессуал қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилиниши зарур;
- 2) кўрсатувлардаги қарама-қаршиликларни бошқа тергов ҳаракатлари билан бартараф этиш имкони бўлмаганда ва бу тергов ҳаракати орқали кутилган натижага эришиш мумкинлигига етарли асослар бўлгандагина юзлаштириш ўтказилиши мақсадга мувофиқ;
- 3) ушбу тергов ҳаракатини вояга етмаганларнинг психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкиллаштирилиши ва ўтказилиши талаб этилади;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаган шахслар иштирокида ўтказиладиган айрим тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш бўйича қоидалари киритилиши лозим;
- 5) юзлаштириш иштирокчиларининг ёши, шахсига хос хусусиятлари ва тергов вазиятидан келиб чиқиб кўрсатув бериш навбатини белгилаш мақсадга мувофиқ.



SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference

